

Фикҳ дарслари (141-дарс). Жума хутбасида жим туринг!



16:30 / 17.06.2021 3346

«Қуёш чиқаётганда, қиёмда турганда ва ботаётганда намоз ўқиш, тиловат саждаси қилиш ва жаноза намози ўқиш жоиз эмас.

Бу ҳукмнинг далили қуйидагича:

هِيَ لَعْلَلِ لِي لَصْرِهِ لَلِ لُؤْسَرَنِ الْكِتَابِ اسْ تُثَالِثُ لُؤُقَي رِمَاعِ نَبَّ ةَ بَقُؤْعَنْ ع
عُؤْطَتَنْ نِي ح : اِنَا تَوْ مَّ نَهِي ف رُبْقَنْ نَأْ وَأَنْ نَهِي ف يَلِصْنَنْ نَأْنَاهُ نِي م لِس و
لِي مَت يَّتَحَرِيهِ طَلَا مِئَا قُ مَوْ قِي نِي ح وَا عَفَتَرْت يَّتَحَرِيهِ غَزَابُ سُمِّ شَلَلِ
الْإِةَامَحْلَلِ يَوْر . بَرْعَت يَّتَحَرِيهِ بَرْعُؤُ لَلِ سُمِّ شَلَلِ فَيَضَت نِي ح وَا سُمِّ شَلَلِ
يِرَاخُ بَلَلِ

Уқба ибн Омир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизларни уч соатда намоз ўқишдан ва ўлганларимизни қабрга қўйишдан наҳйи қилар эдилар: қуёш чиқаётганда, ҳатто кўтарилиб бўлгунча, кун тиккага келган пайтда, ҳатто қуёш мойил бўлгунча ва қуёш ботишга йўлланиб, то ботиб бўлгунча».

Бухорийдан бошқалар ривоят қилишган.

Фақат ўша куннинг асри бундан мустасно.

Уни қуёш ботаётганда ҳам ўқиса бўлади. Кечга қолдиргани учун гуноҳ ёзилади, аммо намози намоз бўлаверади.

Аммо бир одам бомдод намозига кеч қолса, қуёш чиқмай туриб бир ракъатини ўқиса, сўнгра қуёш чиқиб қолса, намози бузилади.

Лекин бир киши кеч қолиб, асрнинг бир ракъатини ўқиганидан кейин қуёш ботиб қолса, намози ботил бўлмайди. У намозини ўқишда давом этаверади. Намоз тугал бўлади.

Мазкурлар имом хутбага чиққанда макруҳдир.

Яъни имом жума, ийд, ҳаж, кусуф ва хусуф намозлари хутбасига чиққанида намоз ўқиш, тиловат саждаси қилиш ва жаноза ўқиш макруҳдир, чунки бу пайтларда мазкур нарсалар билан машғул бўлиш хутбани эшитишга халал беради. Ундан юз ўгиришга ўхшаб қолади.

«**لَا قَوْلَ لِمَنْ سَوَّاهُ لَعَلَّ يَصِيَّبَ لَنَا نَعْمُ، نَعْمُ لَعَلَّ يَصْرَفَ رُؤْيُ بِنَانِ**
هَؤُورٍ. «تَوَعَّلْ دَقَفُ بَطْحِي مُامِلًا وَأَوْصِنْنَا عُمُجًا مَوْيَ كَبْحِ أَصْلَ تَلْقُ إِدِ
ةً سَمَّخًا.»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жума куни имом хутба қилаётганида шеригингга «Жим тур», десанг, лағв қилибсан», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Лағв – беҳуда, бефойда, маза-матрасиз гап-сўзлар ва хатти-ҳаракатлар.

Мана шу ҳадис ҳанафийларнинг «Имом хутба қилиши учун минбарга чиққанидан кейин намоз ўқиш ҳаром», деган қавлларига энг кучли далиллардан биридир. Бировга «Жим тур», дейиш амри маъруф. Амри маъруф – фарз. Фарз амални қилиб бўлмаганидан кейин, суннат ўқиш жоиз бўлмаслиги турган гап.

Баъзилар қуйидаги ривоятни далил қилиб, имом хутба қилиб турган бўлса ҳам, таҳийёти масжид намозини ўқиб олиш зарур, деган тушунчага

борадилар.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди